

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
30 май
ЧОРШАНБА

№ 43 (13096)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЙИЛНИНГ ИЛК ХИРМОНИГА БАРАКА!

Айни кунларда вилоятимиз пиллакорлари учун галвирни сувдан кўтарадиган дамлар бошланди. Боиси, қарийб бир ой давом этган мавсум якунланаяпти.

Пилла — 2018



Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманилик пиллакорлар ҳар дақиқани ганимат билиб, тайёрланган ҳосилни ўз вақтида топириш ҳаракатидалар.

— Пиллачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим, сердаромад тармоқларидан ҳисобланади, — дейди "Ўрта Чирчиқ агропилла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Турсунхўжа Пўлатов. — Бу мавсум туманимиз бўйича 2 минг 100 қути ипак қуртининг 141 қутисини касаначиларга, қолган қисmini фермер хўжаликлари тар-

қатдик. Мавсумда 125 тонна "кумуш тола" олишни режалаштирганмиз. Бугунги кунгача 20 фойздан ортқ пиллани саранжомлаб олдик.

Тумандаги "Ҳошим ота" ҳамда "Сетора ва Мафтуна агро" фермер хўжалиги аъзолари пилла етиштиришда, айниқса, фаллик кўрсатишмоқда.

— Ипак қурти парвариши ўзига хос мураккаб жараён, — дейди "Ҳошим ота" фермер хўжалиги ишчиси Кумуш Азизова. — Аввало, қурт боқиш учун алоҳида жой ажратилиб, хона ҳарорати меъёрида бўлиши лозим. Қолаверса, озуқани ўз вақтида бериб, доимо назорат қилиб туриш керак. Озгина бепарволик митти жонотларнинг касалликка чалинишига, ҳатто нобуд бўлишига олиб келади. Бу йил хўжалигимизда 8 қути ипак қуртини парваришладик. Ҳар бир қутидан ўртача 60 килограммдан пилла олаяпмиз. Шу кунгача 300 килограмм ҳосил топиридик. Бугун-эрта зиммаимиздаги вазифани тўлиқ уддалаймиз.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ САБОҚЛАРИ

Бўка туманида давом этаётган ўқув-семинарлар жойлардаги раҳбарлар учун ўқимок ва ўқмоқ имконини бераётти

Бу жараёнда туманларда фаолият юритаётган ҳокимлик вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, уларга соҳавий йўналишлар бўйича етакчилик қилаётган ҳоким ўринбосарлари шахсий масъулият ва жавобгарлиқни қай даражада ҳис этмоқдалар? Умуман, уларнинг касбий малакаси масъулият юкига монандми?

Бўка туманида бошланган уч кунлик ўқув-амалий семинарларнинг мазмун-моҳияти ҳудди шу саволларга жавоб топишга қаратилди. Машғулотларда иштирокчиларга ўзлари фаолият юритаётган туманининг ижтимоий-иқти-

ри"ни изчил таҳлил қилиб, зиммаимиздаги вазифалар моҳиятини янада чуқурроқ англадик. Масалан, ўз иш йўналишимиздан келиб чиқиб, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича кунлик, ҳафталик, ойлик иш режаларимизга аниқлик киритиб олдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ўқув-семинар вақтида ягона электрон тармоқ орқали туман ҳокимлари ўринбосарлари, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг кундалик ишини "онлайн" бошқариш ва назорат қилиш тизими яратилди. Бу эса, машғулотлар ва кундалик фаолият уйғунлигига эри-

Тараддуд

Ёғи таътил — мактаб ўқувчилари учун энг сеvimли мавсум. Бу жараёнда навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, мароқли дам олишини таъминлаш бениҳоя долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан болаларни дам олдирish ва соғломлаштириш мавсумини уюшққлик билан ташкил этиш мақсадида ҳудудий семинарлар ўтказилмоқда.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ

Ўғил-қизларнинг ҳам жисмонан соғлом, ҳам интеллектуал баркамол бўлишига хизмат қилсин

Бўстонлик туманидаги "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги ана шундай анжуман ёғи таътил давомида барча турдаги болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш, ўқувчиларнинг мазмунли ва қизиқарли дам олишларини таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш билан бирга уларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб беришини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизлик бўйича устувор масалаларга бағишланди.

Таъкидлаш жоизки, жорий мавсумда вилоятдаги 19 та стационар оромгоҳда 15 минг 14 нафар, мактаблар қошидаги 160 та кундузги оромгоҳларда эса 17 минг 770 болажонни соғломлаштириш режалаштирилган. Дам олиш масканларининг фаолиятини ташкил этишда ҳам янгича ёндашув жорий этилмоқда. Хусусан, бугунги кунда ўқувчиларнинг жисмоний чиниқиши ва мароқли дам олишини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг дунёқарашини

бойитиш, маънавиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда семинар доирасидаги секция машғулотларида оромгоҳларга жалб этиладиган педагоглар, етакчилар, тўғарақ раҳбарлари, спорт йўриқчилари, тиббиёт, техник ва хўжалик ходимларининг болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг қизиқишига кўра машғулотлар ўтказиш, болалар билан ишлаш бўйича билим ва кўникмалари оширилди.

— Болаларни соғломлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан оромгоҳларда фаолият юритиши режалаштирилган тўғарақ ва кутубхона фаолиятига доир услубий кўлланмалар, тарқатма материаллар, плакатлар ишлаб чиқилган, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси масъул ходими Муҳаббат Ўрмонбекова. — Ҳудудий семинарлар қатнашчилари тадбир давомида ўзларига керакли билим ва кўникмаларга эга бўлмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири



ТАРБИЯ КЎРГАН ТАРБИЯЧИЛАР

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига берилаётган алоҳида эътибор туфайли мактабгача таълим муассасаларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Танлов

Келажагимиз эгалари — болажонларнинг атак-чечак даврларидан бошлаб, сифатли таълим-тарбия билан қамраб олиш соҳа ходимларининг асосий мақсадига айланди. Ташкил этилаётган хусусий боғчалар, қисқа муддатли гуруҳларда ҳам малакали, олий маълумотли мутахассислар фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон таълим, фан

ва маданият ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган "Энг фаол ёш тарбиячи" танловидан кўзланган мақсад ҳам ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини кўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш, Ватан туйғуси, дахлдорлик ҳис-

сини оширишдан иборат.

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи ёш тарбиячиларнинг касбига бўлган меҳри, иқтидорларининг намоиши бўлди. Унда танловнинг шаҳар бўлими босқичларида голиб бўлган вилоят мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари иштирок этишди.

Тарбиячиларнинг педагогик маҳорати, янги инновацион технологиялардан фойдалана олиш лаёқати, нутқ маданияти, дунёқараш, ижтимоий, сиёсий билими, тиббий ва ҳуқуқий маданияти синновдан ўтказилди.

Танлов якунларига кўра, зангиоталик Феруза Сирожиддинова, Чирчиқ шаҳридан Мадина Йўлдошева, қибрайлик Мафтуна Ҳосилова голибликка муносиб топилди ҳамда ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Д. АХМЕДОВ
олган сурат



«ЛАЙК» БОСИШ МАСЪУЛИЯТИ ёхуд сизни бошқаришларига йўл қўйманг

Машҳур "Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради" фильмида шундай эпизод бор: шоҳ зобитлари сарой томида "иблислар"ни икки томондан қуршаб олади. Шунда князь Милославский зўр қийла ўйлаб топади. Шартта чўқинади-ю: "Жойимиз жаннатда бўлсин", дея ўзини гўё юқоридан пастга ташлайдигандек кўрсатади. Кейин нима бўлганини яхши эсласангиз керак...

Нуктаи назар

Бу — бир фильм. Аммо ҳаётда ҳам, айниқса, ижтимоий тармоқлар тобора оммалашаётган ҳозирги жамиятда ҳам бундай ҳолатлар учраб турибди. Сизнингча, қайсидир "иблис"нинг интернетдаги кутқусидан таъсирланиб, мусулмонларни "озод этиш" учун қиргинбаротга кетаётган гўр-шўр ёшларнинг ўша фильмдаги бир тўда аҳмоқ зобитдан қандай фарқи бор? Мен сезмаяпман.

Бири ҳазил, бошқаси эса — фоҳиа эканини айтмасан...

Фаолмисиз?
Демак, навбатдаги ўлжа — сиз...
Ижтимоий тармоқ дегани ҳақиқий топилма чикди-да! Хоҳлаган одамнинг билан гаплашсан, истаганча фикр қолдирасан, "лайк" босасан, суратлар билан ўзингни кўз-кўз қиласан, газеталарда ёзилмайдиган хабарларни ўқийсан, телевизорда намоиш

этилмайдиган лавҳаларни кўрасан, керак бўлса ўзинг жойлаштирасан... Хуллас, ахборот уммонида балиқдек яйрайсан. Бир эркинлик бўлса, шунча бўлар-да!

Кечирасиз-у, агар шундай ўйласангиз — бекорларнинг бештасини айтибсиз. Тармоқда саҳифангиз борми, тасом, сизнинг бу "эркинлигингиз" аллақачон ўрганиб бўлинган. Бугунги замонавий технологиялар терингизни рангидан тортиб, руҳиятингиз, дунёқарашингиз, моддий-маънавий аҳволингиз, ҳиссиётингизгача ўрганиш имконини беради. Қандай қилиб дейсизми? Оддий, сиз босаётган "класс" ёки "лайк" тугмалари орқали! Масалан, 2008 йилда Кембриж психометрия мар-

кази илмий ходимлари Михаил Косинский ҳамда Дэвид Стиллвелл томонидан ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг психологик портретини аниқлаш мақсадида маҳсул алгоритми ишлаб чиқилган. Унга кўра 10 та "лайк" ёрдамида фойдаланувчи ҳақида унинг касбдошлари, 70 та ёрдамида дўстлари, 150 та орқали ота-онаси, 300 та билан эса турмуш ўртоғига нисбатан кўпроқ маълумот олишингиз мумкин. Сингапур миллий университети олимлари яратган алгоритм билан фойдаланувчининг оилавий шароитини 86 фойз аниқлик билан айти оласиз.

Нима, дунёдаги нуфузли илмий муассасалар бошқа иши йўқлигидан "лайк" санаб ўтирибдими? Асло, бунинг

ортида катта сиёсий мақсадлар, миллиард-миллиард сармоя ҳамда сиз билан бизни ўша арзимас белгига муносабат қилишимиздан манфаатдор қўллар ётибди.

"Ким кўп маош олишни хоҳласа, "класс" боссин"

Аминманки, агар "Одноклассники" сайтида саҳифангиз бўлса, бир қоп пул сурати билан жойланган шунга ўхшаш постларга кўзингиз тушган. Одатда фойдаланувчилар ижтимоий тармоқда бирор фикр, сурат ёки бошқа материаллар улашганда, бу иши учун дўстларидан рағбат эшитишни, "виртуал авторитети"ни оширишни, кўпроқ "класс"га эга бўлишни истади.

Давоми 4-бетда

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАМДА ТАҚРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2018 йил 27 майда Халқ депутатлари Тошкент вилояти

Кенгашидаги бўшаб қолган 27-"Келес" ва 29-"Ўнқўрғон" сайлов округи депутатлик ўринларига сайлов ўтган деб ҳисоблансин.

2. Сайлов жараёнларида овоз бериш натижалари тўғрисидаги 29-"Ўнқўрғон" округ сайлов комиссиясининг баённомасига асосан қуйидаги номзод Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинсин:

Депутатнинг фамилияси, исми ва шарифи	Туғилган йили	Партиявийлиги	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили	Қайси сайлов округидан сайланган
Мухаммедов Нигмат Исраилович	1960 йил, Тошкент шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Қибрай тумани ҳоқими	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	29-"Ўнқўрғон" сайлов округи

3. Сайлов жараёнларида овоз бериш натижалари тўғрисидаги 27-"Келес" округ сайлов комиссиясининг баённомасига асосан мазкур округда депутатликка номзодлар овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олмаганлиги сабабли 2 ҳафта муддатда округ сайлов комиссияси томонидан "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғриси-

да"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига асосан тақрорий овоз бериш ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

Вилоят сайлов
комиссияси раиси

Ғ. МУҲАМЕДОВ

Нурафшон шаҳри, 2018 йил 27 май

Арафа

Бўстонлик туманида жойлашган 17-сонли мусика ва санъат мактабидида "1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини" муносабати билан "Обод юрт фарзандлари" шиори остида маданий-маърифий кеча уюштирилди.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ



Миллий гвардия, туман ҳокимлиги ва Ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган тадбирда ҳудуддаги мактаблар ўқувчилари, боғча ва интернатларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар қатнашди.

Маданий-маърифий кеча доирасида Ўзбекистон давлат ёш томошбинлар театри артистлари томонидан саҳналаштирилган спектакль, мусика мактаби ўқувчиларининг концерт дастури намойиш қилинди. Шунингдек, "Ўзбекистон" наشريёт-матбаа ижодий уйи ташкил этган китоб ярмаркаси ҳам китобхоналарга манзур бўлди.

Тадбир якунида эътиборга муҳтож оилаларга ташкилотчиларнинг савгалари улашилди.

Миллий гвардия
матбуот хизмати

Сайёр суд

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, инсон нима сабабдан жиноятга қўл уради? Бу саволга ҳар кимдан ҳар хил жавоб олиш мумкин. Лекин, кўпчилик жиноят сабабини тарбия билан боғлайди. Биз ҳам шундай ўйлаймиз: ахлоқсиз одамда жиноятга мойиллик кўпроқ бўлади.

Яқинда бир жиноят ишини Зангиота тумани ИИБ биносида сайёр суд тарзида қўриб чиқишга тўғри келди. Суд жараёнида бошланғич судьянинг олдирок судланувчининг шахсини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, айбланувчи бундан олдин 6 марта судланган экан. Эътибор беринг, у 1985, 1992, 2000, 2002, 2008, 2010 йилларда турли жиноятларни содир этиб, умумий 8 йил умрини қамқоҳоналарда ўтказган. Бундан ташқари, шу йилларда 1 йилу 6 ой синов муддати, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ҳам олган. Шундан кейин ҳам у яна суднинг қора курсисига ўтирибди. Демак, илгари содир этган жиноятларидан тўғри хулоса чиқармаган...

Гапни қўйиб ўтирмайлик. Унинг еттинчи жинояти мана бундай бўлган:

2017 йил 5 декабрь кунини ИИБ ходимларига тезкор маълумот келиб тушади. Шунга қўра, шошилинч равишда профилактика инспектори Ғани Алиевнинг

(исм-фамилия ўзгартирилган) уйига етиб боради. Инспектор Ғанидан наша истеъмол қилган ёки қилмаганлигини сўрайди. У

эса нашини қовурилган ҳолда истеъмол қилишини айтиди. Ҳеч иккиланмасдан, дадил берилган жавобдан шошиб қолган икки ишлар ходими шу заҳоти маҳалла раисига қўнғироқ қилиб, Ғани Алиевнинг уйига икки нафар ҳолис юборилиши илтимос қилади. Ҳолис сифатида келган икки маҳалладош иштирокида унинг хонадонидан қора целлофан пакетда қовурилган наша ўсимлиги топилади. Ходим ушбу гийҳванд мод-

да кимга тегишлилигини сўрайди. У оғуни ўзининг эҳтиёжи учун қовуриб олганини ва унда наша истеъмол қилиб юришини айтиди. Ғанидан уйда яна шунга ўхшаш гийҳванд моддалар бор-йўқлиги тўғрисида сўралганда, у ётоқхонасига яшириб қўйган қозонни кўрсатади. Қозондан эса тахминан 30-40 грамм миқдорда қовурилган гийҳванд модда чиқади. Бундан

ташқари, хонада 30 грамм оғирликдаги наша ўсимлигининг уруғлари сақланаётгани ошкор бўлади. Табиийки шу ўринда савол туғилади: У бу заҳри қотилини қаердан олган? Ғанининг иккун бўлишича, дала жойларида қўриб қолган ёввойи наша ўсимлигини қўриб қолиб, ундан териб олган экан. У яна айбига иккун бўлиб, қовурилган ва майдаланган нашани тахминан 10 йилдан буён истеъмол қилиб,

бошқаларга сотмаслигини айтиди. Суд жараёнида у қилмишини пушаймонлигини билдирди. Айбига тўлиқ иккунлигини айтиб, 2-гuruh ногирони бўлгани учун имкон қадар енгил жазо беришни сўрайди.

Биласизми, аслида мана шундай тақрор ва тақрор жиноят содир этган инсонга қандай жазо турини қўллаш ҳақида бир тўхтама қилиш қийин бўлади.

Чунки, у биринчи бор жазоланмапти-да. ...Нихоят, судланувчига нисбатан ҳукм ўқилди. Ғани Алиевга 3 йил озодлиқни чеклаш жазоси тайинланиб, унга сутканинг соат 20 дан 6 га бўлган вақтида яшаш жойидан чиқиш чекланди. Шу вақт давомида оммавий тадбирларда иштирок эта олмайдиган бўлди. Унга алқоғоль ичимликлар истеъмол қилиш умуман тақиқланди. Алоқа воситаларидан, шу жумладан,

интернетдан фойдаланиши ҳам мумкин эмас. Яна унга нисбатан маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳақида ҳудуддан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар қўлланилди.

Тайинланган жазо шартига қўра, агар у жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб, тузалиш йўлига қатъий ўтса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақдирларни, чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин. Аксинча, озодлиқни чеклаш таъриқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товласа, шунингдек, зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд томонидан озодлиқни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштиришга тўғри келади.

Умид қиламизки, энди у жиноятга асло қўл урмайди. Аксинча, қайта тарбияланиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Аслида ҳаммамизнинг ҳам мақсади-миз шу эмасми?

Миллий матбуот марказида

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар, талаба-ёшлар ҳамда соҳа ходимлари иштирок этди.

ОАВ: ТИЛ, УСЛУБ, ТАҲРИР

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги вақтларда кўп соҳалар қаторида матбуотга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги ўзгариш, янгиланиш жараёнларида журналистлар олдида улкан вазифалар қўйилмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида урғу берилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Шу боис, соҳа ходимларининг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Оммавий мулоқот тили ва услуби кундалик сўзлашув нутқи эҳтиёжлари ва қонуниятларига асосланиши керак, – дейди ЎЗМУ журналистика факультети декани Махлиё Мирсоатова. – Шу боис, бугунги тадбирда матнларнинг тили, услуби ва таҳрири муаммолари, уларнинг ечимлари, матн таъсирчанлигини ошириш йўллари, ноширликни ривожлантиришга оид аниқликлар инновацион ғоялар ва технологиялар борасидаги масалаларни муҳокама қилдик.

Анжуманда тажрибали журналистлар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ОАВ матнларининг тили, услуби ва таҳририга бағишланган қизиқарли маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар соҳада кўзга ташланаётган камчиликлардан мисоллар келтиришди. Шу йўналишда таҳсил олаётган талаба-ёшларга тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири

ЛАШКАРАК ЖИНОЯТДАН ҲОЛИ ХУДУДГА АЙЛанаДИ

Ангрен шаҳридаги "Лашкарак" маҳалла фуқаролар йиғинида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ибрат

Тадбирда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида маҳаллада амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Ушбу маҳаллада 2017 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам жиноят содир этилмагани алоҳида эътироф этилди.

Ангрен шаҳрида 51 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 183 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Вилоят ички ишлар, бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармалари, маҳаллалар кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят

кенгаши томонидан жиноятчилик вақт нуктаи назаридан таҳлил этилиб, энг кўп жиноят содир этилиши кечки пайтга тўғри келиши сабабли "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари иш вақтига ўзгартириш қирғитиш юзасидан қўшма қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорга асосан маҳалла посбонларининг иш вақти соат 18:00 дан тунги 1:00 га қадар этиб белгиланди. Ушбу амалиёт Ангрен шаҳрида синов тариқасида йўлга қўйилди.

Тадбирда мазкур тажриба ижобий натижа бераётгани, хусусан, шаҳардаги жиноятчилик

ўтган йилга нисбатан 47 фоизга қайтарилган қайд этилди.

– Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва оқилол ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари А. Абдуазимов. – Бу борада ҳар бир фуқаро онгидида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак", деган туйғуни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, аввало, маҳаллалардаги оилалар ижтимоий-маънавий муҳитини яхшилаш, яъни ўзаро низоли, нотинч-

ноқбил оилалардаги муҳитни соғломлаштириш зарур. Аҳоли бандлиги, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, касб-хунар ўрганишини таъминлаш талаб этилади. Вилоятдаги таълим муассасаларида ташкил этилган "Отаналар кенгаши" ўқувчиларнинг давоми, дарсларни ўзлаштириши, уларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиши бўйича шуғулланмоқда. Мунтазам дарс машғулотларига қатнашмайдиган, ҳуқуқбузарликларга мойиллиги юқори бўлган ўқувчилар қизиқиши ва лаёқатига қараб турли тўғаракларга жалб қилинмоқда.

Тадбирда лашкаралик ёшларнинг тақлифлари тингланб, мутахассислар томонидан зарур тавсиялар берилди.

Аваз ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

Анжуман

Бугун бунёдкорликда кенг фойдаланиладиган энг зарур қурилиш ашёлари, дейлик, цемент, пишиқ гишт нархларининг кўтарилишини турли сабаблар билан изоҳловчилар кўп.

САЛОҲИЯТ ВА САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Уларнинг ақсарияти бунини ёқилғи-энергетика ресурслари нарх-наво-сидаги ўзгаришлар билан боғлашади. Бу бир қарашда асосли сабаб-дек кўринсада, бугунги замон талабига мувофиқ ишлаб чиқаришга инновацион ёндашиш, тежамакор технологиялардан кенг фойдаланиш орқали маҳсулот сифати ва қиймати барқарорлигини таъминлаш мумкинлиги негизий эътибордан четда қолади...

Бинобарин, мамлакатнинг иқтисодий қудратини таъминловчи асосий омиллардан бири энергетика ресурсларидир. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ умумий миллий боийлик ҳисобланган бундай ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида долзарблик касб этиб келаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўтказилган навбатдаги ўқув-семинарда айнан мана шу фикрлар илгари сурилди.

Тошкент вилояти ва шаҳрида жойлашган пишиқ гишт, асфальт-бетон ва цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 200 га яқин санат корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари мутасаддилари иштирок этган анжуманда бундай ишлаб чиқариш

тузилмаларида ёқилғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, тежамакор технологияларни кенг жорий этиш, айти пайтда қўлланилаётган технологик линия ва асбоб-ускуналарнинг энергия самарадорлигини мувофиқлаштириш масалалари юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Соҳа мутахассислари бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бу ҳужжат асосида амалга кирилган янги тартиб-тамоиллар хусусида апрофича тушунча бердилар. Мавзуга доир маърузалар тингланб, жойларда тўпланаётган амалий тажрибалар, инновацион изланишлар ҳақида қизгин мунозаралар юритилди.

Тадбир иштирокчилари қайд этганидек, миллий боийлигимиз, давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг мезонларидан бўлган нефть маҳсулотларини тежаши, улардан мақсадли фойдаланиш, бу бебаҳо неъматларни келажак авлодларга ҳам етказиш ҳар биримизга дахлдор вазифадир.

Аскар ИСАКОВ,
"Ўздавнефтегаз-инспекция" Тошкент ҳудудий бошқармаси бошлиғи

"Асабият (ғоя), ўзининг энг кўп қавмини бирлаштирган, айни вақтда у мафкурарий ва диний бирлаштириш шаклида намойиш бўлган кучдир, асабият ислом давридан анча олдинроқ яшаган қавмларда ҳам юксалиш ва ҳокимиятини кўлда тутиб туришни таъмин этган".

Тунислик тарихчи олим Муҳаммад Ибн Халдуннинг етти аср олдин айтган бу сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зеро, дунёдаги нотинчликлар ва сиёсий инқирозлар ортда ғоявий, мафкурарий сабаблар яширинган бўлиб, булар аксар жамиятларда онгда юз бераётган ўзгаришлар, оммавий маданиятнинг миллий манфаатлар ва қадриятлардан устун бўлаётганлиги оқибатида юзага келмоқда. Натижада, жамиятда парокандалик, бошбошдоқлик авж олиб, бу "ташқи хуружлар"га замин бўлаётган. Бинобарин, биз ҳам ҳозирги таҳликали даврда муносабатларимизга хавф турдириши мумкин бўлган ахборот ва турли ғоявий хуружлардан огоҳ бўлишимиз керак.

Бунинг нақадар муҳим эканлигини Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ташқи сиёсатда, ҳеч бир давлатнинг ички ишларига аралашмаган ҳолда, ўз манфаатларимизни ташқи аралашувлардан, айниқса, ғоявий бузуқ хуружлардан ҳимоя қилишимиз олий мақсадлардан эканлигига урғу берилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Жамият тараққиётида ёшларнинг ўрни ғоят муҳим. Шу нуқтаи назар-

дан сиёсий аҳамиятга эга бўлган ваколат ва кенг имкониятларга эга бўлган Ёшлар иттифоқининг тузилиши, ёшларимиз учун Давлат мукофотлари жорий қилиниб, уларга масъулиятли лавозимларнинг ишониб топширилиши эътирофга сазовордир. Бу ўзгаришлардан барча мамнун бўлаётгани бор гап.

Бироқ, кундалик ҳаётимизда бўла-

Маънавият

«ДАРВОЗАСИЗ ДУНЁ»НИНГ МУРОСАСИЗ ШАМОЛЛАРИ

ётган айрим воқеаларни кузатиб, айтиш мумкинки, ёшлар тарбиясига ва шунинг баробарида оиламиз, жамоамиз ҳамда жамиятимизда шаклланаётган янгича – демократик муносабатларга нисбатан ўзимизнинг шахсий масъулиятимиз ва эътиборимиз етишмаётгандек.

Яқинда, сотувчи йигитнинг хабарига: "Ака, ўзбек тили бой бўлмаганили сабабли дубляж яхши чиқмаган, фильмни русча вариантыни олинг," деган сўзларига гувоҳ бўлдим. Эркин фуқаровий жамият куриш сари бораётган давлатимизнинг ҳар бир фуқаросини "бу эркин фикрми" ёки "...оғзи келганини айтмак нодоннинг иши"ми, деган мушоҳада ўйлантириши керак. Зеро, муаммонинг ўта муҳим томони борки – шахс аввало, мутахассис бўлмаганлиги ёки ўзбек тили бўйи-

ча бирор-бир илмий изланишлар олиб бормаганлиги учун тилнинг бой ёки савз эканлиги ҳақида шунчаки "эркинлик" сабаб фикр айтиши жоиз эмас, фикр маълум бир билим билан асосланган, исботланган бўлиши шарт.

Айтиш мумкинки, сотувчи йигитнинг тафаккурида демократияга доир бўшлиқ бор, аниқроғи "демократия", "эркинлик", "ошкоралик" деган сўзларнинг шунчаки атама эмас, балки номоддий неъмат си-

вий маданият ғояларига мойил бўлиб қолади. Демак, биз ахборот тарқатиш, аниққса, телевидение каналларида кўрсатувлар тайёрлаш ёки бошқа давлатлардан кўчирмалар олишда кўрсатувнинг мақсади-га, ғоясига, томошабин томонидан қабул қилиниши ва таъсир этиш даражасига эътибор қаратишимиз керак.

Лекин таажжубки, айрим тижорат каналларида узатилаётган кўрсатувларнинг савияси жуда паст ва мил-

лийлигимизга мос эмас, аксинча, бу каналлар "четдан кириб келаётган хуруж", деб баҳоланаётган оммавий маданиятни ўз кўрсатувларида билиб-билмай тарғиб қилишмоқда. Ёшларнинг юриш-туришлари, соч турмаклашлари-ю соқол ўстиришлари, ҳатто сохталикдан иборат хати-ҳаракатлари борган сари ўша каналларда узатилаётган кўрсатувлар қаҳрамонлариникига ўхшаб кетмоқда. Энг ёмони, қаҳрамонларимиз эса доим шоу бизнес олами вакиллари...

Улар ўз иши билан шуғулланиши керак, назаримизда. Уларнинг "Музқаймоқ Пати"га ўхшаган кўрсатувлардаги беаъни ўйинларда иштирок этишлари томошабин учун намуна бўла олмайди. Қолаверса, мамлакатимизда ишлари ва эришган ютуқлари билан кўпчиликка ўрнак

қилиши керакки, ушбу маҳсулотларни харид қилишдан аввал, соғлигимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Ичимликларни фақат савдоси рухсат этилган жойлардан олиш тўғриси бўлади. Шунингдек, уларнинг сифати, хавфсизлигини кафолатловчи санитария-эпидемиологик хулоса ва мувофиқлик сертификатларининг борлигига эътибор қаратиш лозим. Истеъмомга яроқлилик муҳим шарт. Қолаверса, ичимлик гигиени талабларга жавоб берадиган, салқин, қуёш нуридан ҳоли жойда сақланаётган бўлсагина истеъмом қилиш жоиз.

Муҳиддин ҚИЁМОВ,
хуқуқшунос

СОЗ ЎТСИН ЁЗ КУНЛАРИ

Кунлар исиши билан салқин ичимликларга эҳтиёж ортади. Албатта, бундай пайтда савдогарлар ҳам турли чанқов-босди ичимликлар савдосига зўр берадилар.

Саломат бўлинг

Шуни айтиш керакки, ушбу маҳсулотларни харид қилишдан аввал, соғлигимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Ичимликларни фақат савдоси рухсат этилган жойлардан олиш тўғриси бўлади. Шунингдек, уларнинг сифати, хавфсизлигини кафолатловчи санитария-эпидемиологик хулоса ва мувофиқлик сертификатларининг борлигига эътибор қаратиш лозим. Истеъмомга яроқлилик муҳим шарт. Қолаверса, ичимлик гигиени талабларга жавоб берадиган, салқин, қуёш нуридан ҳоли жойда сақланаётган бўлсагина истеъмом қилиш жоиз.

Бироқ, орамизда сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлар ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам жамоатчилик назоратини биргаликда олиб боришимиз лозим.

Шу кунларда аҳоли гавжум жойлар, катта йўл ёқаларида, айниқса, таълим муассасалари ёнида қўлбола усулда тайёрланган турли салқин ичимликлар, компотлар савдосига кўзимиз тушади.

Ушбу ичимликлар ичиладиган идишлар истеъмоладан сўнг, қолаверса, қўлбола усулларда ва қандай шароитларда тайёрланганлиги, сифати ва хавфсизлигига кафолат йўқлигини била туриб, айримлар харид қилаверадилар. Саломатликларига зарар етганда эса, аттанг дейишди.

Шундай экан, истеъмомчи сифатида жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириб, ўз соғлигимиз, оиламиз хотиржамлиги ҳақида қайғурсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Абдурахмон ИСМОИЛОВ,
вилоят ДСЭН
овқатланиш гигиенаси бўлими mudiri

ЁШ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Бекобод шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш ўт ўчирувчи" мусобақасининг вилоят босқичида барча шаҳар ва туманлардаги беллашувларда голиб чиққан жамоалар қатнашди.

Ўқув-машғулот

Вилоят ички ишлар, касб-хунар таълими бошқармалари ва Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа ўқувчиларни ёнги ўчирувчи касбига қизиқтириш, ушбу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини бажари-



риш, ўқувчиларнинг ёнги хавфсизлиги бўйича амалий кўникмаси ҳамда жисмоний тайёргарлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, мусобақа ёнги хавфсизлиги хизматига муносиб, жисмонан соғлом ва жасур мутахассисларни тайёрлаш, ёшларда ёнги чоғида тўғри ҳаракат қилиш кўникмасини мустаҳкамлаш, ёнги ўчириш амалий спортини янада омалаштиришга қаратилган.

Беллашувлар дастуридан жой олган "100 метрга тўсиқлар оша югуриш", "Ёнги ўчирувчилар эстафетаси" ҳамда "Ишқол қилиш нарвонидида ўқув минорасига кўтарилиш" каби шартларни бажаришда маҳорат кўрсатган Янгиўл тиббиёт коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ангрен ахборот технологиялари касб-хунар коллежи жамоаси иккинчи, Олмалиқ конметаллургия касб-хунар коллежи жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар мусобақанинг мамлакат босқичида қатнашишмоқда.

Ўз муҳбиримиз

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Мазаси жуда ширин. Ўзи хуштаъм. Хиди ёқимли. Унга "асал ўт" деб таъриф берилган.

Ҳа, стевия ўзининг фойдали хусусиятлари ва шифобахшлиги билан дунё олимлари эътиборини тортиб келади. Ўсимлик баргидан олинадиган стевиязид талқон шакрдан 300 марта ширинроқ. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатлари қандолатчилари стевиядан фойдаланади.

Японияда у шакар ўрнида, АКШ ва Канадада эса овқатга қўшимча сифатида ишлатилади. Англия, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Украина давлатларида консерва ва дори-дармон тайёрлашда кенг қўлланилади. Стевия ўта ширин бўлишига қарамай, у қандли диабетга чалинганларга тавсия этилишига нима дейсиз?

Шифокорларнинг айтишича, беморлар уни таом ёки чойга қўшиб, мунтазам истеъмом қилсалар, қондаги глюкоза миқдори пасайиб, қон томирлари девори эластиклиги яхшиланар экан.

Бундан ташқари, стевия қон босимини маромига келтириб, паришонхотирликнинг олдини олар экан.

— Стевия мўъжизанинг ўзгинаси, — дейди тадбиркор Дилфуза Абдуллаева. — У қандли диабет, семириш, қабзият, иммунитет танқислиги, уйқусизлик, асабийлик, бош оғриғи, остеохондроз, буй-

рак, ошқозон-ичак йўллари ва бошқа бир қатор хасталикларга шифо.

Ўсимликнинг ватани Парагвай. Жанубий Американинг тропик минтақасига мослашган стевия Ўзбекистон тупроқ иқлим шароитига ҳам жуда мос келади. Эътиборлиси, заманимизда етиштирилган бу ўсимликнинг тотлиги бошқа мамлакатлардагига нисбатан 2-2,5 ҳисса зиёдлиги исботланган.

— 18 йилдан буён стевиянинг фойдали ва шифобахш хусусиятларини ўрганиш ва етиштириш билан шуғулланаяпмиз, — дейди тадбиркор. — Биласизми, ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бу ўсимлик ҳақиқатан ҳам шифобахш.

Турмуш ўртоғим юқори қон босимидан азият чекарди. Ҳатто, қон босими ошганда ўзларини ўнглаб олиш қийин бўларди. Ишонсангиз, ҳозир уларда бундай муаммо йўқ. Ўсимликни етиштириш жа-

шаяпти. Бундан ташқари, стевиянинг янги инновацион ғоялари билан турли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



раёнида, шунингдек, ундан тайёрланган сиропни ичиб, касалликдан фориг бўлдилар.

Дилфуза опа раҳбарлигидаги кўзиқорин ва стевия ўсимлигини етиштиришга ихтисослашган "Робия Юсуб Солиҳа" масъулияти чекланган жамияти соҳада айтишга арзигулик натижаларга эри-

шган, шунингдек, ундан тайёрланган сиропни ичиб, касалликдан фориг бўлдилар.

Д. Абдуллаева "Тадбиркор аёлларнинг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" кўрик танловининг вилоят ва республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритди.

Унинг "Замбуруғчилик бўйича янги технологияни ташкил этиш, стевия ўсимлигини етиштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қў-

йиш" номли лойиҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Аввало лойиҳадан қўзланган асосий мақсад — стевиянинг қандолатчиликда, консервалашда кенг қўллаш ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, — дейди Дилфуза опа. — Ушбу ўсимликдан мурabbo ва компотлар тайёрладим. Мазасига гап-йўқ. Та-лабгорларни айтмайсизми? Ана шундай маҳсулот турларини кўпайтириш ниятида-

миз. Ҳамкорлик қилишни истовчилар жуда кўп. Ростини айтганда, улар ўсимликни хом ашё сифатида етказиб беришимизни айтишди. Рози бўлмадик, албатта. Чунки, тайёр маҳсулот сотмоқчимиз.

Дарвоқе, ишнинг кўзини билган, доимо янгиликка интилувчан тадбиркор ўсимлик сиропини қишлоқ хўжалигида қўллаб кўрди. Тажриба картошка, помидор, пизза каби қатор сабзавотларда ўтказилди. Маълум бўлишича, картошкага тушадиган қалалада кўнгизи ҳам қочган. Қизиги, кўнгиз шикастлаган картошка барглари ўз холига қайтган. Тадбиркорнинг айтишича, бу борада ҳали бир оз ишлаб, тажрибани ил-

лий асослаш керак.

Ирода МАҚСУДОВА

Қарор ва ижро

ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛОВЧИ РИШТА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, улар қалбида Ватанга, халқимизга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахсни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини ошириш бора-сида қўлламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.



Тошкент давлат аграр университетидида "Китоб ва китобхонлик" — инсон маънавияти кўзгуси" мавзусида ўтказилган маърифий кеча шу мақсадда ташкил этилди. Тадбирни

университет проректори Иномжон Исроиллов кириш сўзи билан очар экан, китобнинг инсон тафаккури, маънавий оламиини бойитувчи муҳим омил, одамларни эзгуликка чор-

ловчи, камолотга йўлловчи бебаҳо манба эканини таъкидлади.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир мамлакатимизда адабиётга, ижод аҳлига берилаётган

катта эътибор ҳақида сўзлаб, халқимиз учун нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти дурдоналари, шунингдек, қардош халқлар адабиётига мансуб етук шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ҳам ўқиб-ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. Хусусан, Президентимизнинг "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарорлари ижроси доирасидаги саъй-ҳаракатлар самарасида ёшларимизнинг китобга, жаҳон адабиётига бўлган қизиқиши тобора ортиб бораёпти.

Шоирларнинг ижод намуналари, шунингдек, Бекзод Юсупов, Далер Холиқов, Синдорбек Ўрозбеков каби хаваскор талабаларнинг шеърларини иштирокчилар мароқ билан тингладилар.

Тадбир давомида талабаларга янги бадиий китоблар тақдим этилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Реклама ва эълонлар

Ангрен шаҳридаги Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати маъмурияти 2018-2019 ўқув йили учун математика ва инглиз тили фанлари бўйича олий ва биринчи тоифали; информатика, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, меҳнат, мусиқий таълим, тарих фанлари бўйича олий, биринчи ва иккинчи тоифали ўқитувчилар ҳамда ОТМ магистратурасини тугатаётган мутахассисларни доимий ишга таклиф қилиш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ангренда тураржойга эга бўлмаган мутахассислар ётоқхона ҳамда йигирма фоизлик устама билан таъминланадилар.

ЎзЛиДеП Тошкент вилояти Кенгаши бўлими жамоаси «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг муҳбири

Зиёдулла
МУМИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери маъмурияти ҳамда жамоаси вилоят фтизиатрлар кенгаши, вилоят бош фтизиатри, вилоят силга қарши кураш диспансери бош шифокори, профессор Абдувоҳид Содиковга қувви

Санжарбек
МАХМУДОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

– Ёмғирдан кейинги, май-са-ю, дарахтлардан таралаётган муаттар хид, ўша болалик онларини ёдга солди, – дейди россиялик сайёҳ Лена Слепакурова. – Адашмасам, 8 ёшда эдим. Дадамнинг яқин дўсти Мақсуд амаки (биз у кишини Миша амаки дердик) шу ерда яшарди. Миша амакиникида ўн кунга меҳмон бўлдик. Эсимда, уларнинг ҳовлисидаги ёнғокдан ажойиб пирог пиширгандик. Унинг мазаси ҳамон озғимда. Ростини айтсам, дизайнерлик касбини танлаб, соҳада катта ютуқларга эришишимга дадам билан Ўзбекистонга қилган ўша ташрифимиз сабаб бўлган.

Миша амакининг рафиқаси қўли гул ҳунарманд эди. Уларнинг хонадонидидаги сўзана, қуроқ, зардузлиқ намуналари мени лол қолдирган. Холадан унча-мунча нарсани ўрганиб олдим. Ўқидим, изландим. Ўз фаолиятимда ўзбек ҳунармандларининг иш намуналаридан фойдаландим.

Орадан шунча йил ўтиб Ўзбекистонга келдим. Меҳмонхонада қолишни истамай, меҳмон уйида дам олишни хоҳлаганимнинг асл сабаби ҳам шу. Бу ерда болалигимга қайтишимга ишонгандим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризминг ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ри-

вожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари муҳим дастуриламал

Сайёҳлар учун ташриф қоғози

БЎСТОНЛИҚҚА БОРСАНГИЗ АГАР

«Меҳмон уйлари»га бир кириб ўтинг



бўлиб хизмат қилаётир. Ушбу хужжатлар ижроси доирасида туристларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида вилоятимизда ҳам муайян ишлар бажарилапти. Хусусан, маданий мерос объектлари, санаторий ва

пансионатларнинг ҳолати ўрганилиб, йўл бўйи инфра-тузилмасини яхшилаш, экотуризм йўналишида автотойуларни таъмирлаш бўйича кўламли ишлар йўлга қўйилган. Шунингдек, дам олувчиларга меҳмонхона, ме-

рон ва Ангрен шаҳарларидаги аҳоли хонадонларида сайёҳлар учун замонавий шароитлар асосида "Меҳмон уйлари" ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, – дейди Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги туризмни ривожлантириш департаменти ходими Суннатил-

ла Мажидов. – Хусусан, "Чимбойлик", "Чимён", "Сиж-жак", "Боғистон", "Нанай", "Пском", "Тепар" ва "Майдон-тол" маҳаллаларидаги 167 та хонадон ўрганилиб, 57 тасида намунали "Меҳмон уйлари" ташкил этишга киришилди. Талаб ва тақлифлар асосида, тижорат банки тегишли тартибда кредитлар берадиган бўлди. Жумладан, "Чимбойлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ж. Ражабов, Х. Тожибоевларга 40 миллион сўм, сойлиқлик Ш. Зиёбоев, Б. Толиповларга 46 миллион сўмдан, "Нанай"дан М. Мадрохимов ва хумсонлик К. Ортиқбоевларга 23 миллион сўмдан кредит ажратилди. Ҳозирда зиёрат-гоҳ, ҳунарманд уйлари, табиатнинг сўлим жойлари-ю, тоғ ён-бағирлари, табиий бўлоқлар, боғ ва узумзорларга ту-

ристарни олиб бориш учун йўналишлар ва қишлоқ хари-таси устида иш олиб борилапти.

Сижжаклик Мурод Ибрагимов ўз хонадонидида "Меҳмон уйи"ни ташкил этди. Хоналар миллий услубда бўлиб, турли чолғу-асбоблари, идиш-товоқлар, каштачилик каби, қўл меҳнатининг ажойиб намуналари билан безатилган. "Меҳмон уйи" 4 хонадан иборат. Унда ётоқхона, ошхона, дам олиш хонаси, ҳатто, вақтни мазмунли ўтказиш учун спорт майдончаси ҳам бор. Қира-веришдаги очик айвон эса сайёҳлар тоғнинг мусаффо ҳавосидан баҳра олиб, хордиқ чиқаришлари учун жуда қулай.

– Сайёҳлар ҳудуднинг диққатга сазовор жойларида бўлиб қайтган, асосий вақтларини шу айвонда ўтказадилар, – дейди "Меҳмон уйи" иш юритувчиси Олим Исамедов. – Уларнинг айтишича, бу ер ором олиш учун энг яхши жой экан.

Эътиборлиси, уйга уздабу-рон ишбилармон ҳеч кимдан моддий ёрдам олмай, ўз маблағларини сарфлади.

Ҳа, тадбиркорнинг сарф-харажати ўн ҳисса бўлиб қай-тиши шубҳасиз. Аммо, мақсад – фақатгина даромад эмас, аввало, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини намо-йиш этишидир.

Ирода НОРБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Даврон АХМАД
олган сурат

Bolalik bog'i

ONAJONIM

Dona-dona so'zingiz,
Kulib turar ko'zingiz,
Go'yo oydek yuzingiz,
Onajonim, bor bo'ling.

Ko'zdagi jolam degan,
Qovonchim – olam degan,
Hamisha bolam degan,
Onajonim, bor bo'ling.

ILK KO'KLAM

Bodom gulin ifori,
Menga juda yoqadi.
Quyosh ko'kda charaqlab,
Bizga mamnun boqadi.

Ariqlarning bo'yida
Ochiladi binafsha.
Boychechakni o'pay deb,
Chopamiz qirlar osha.

Atrofga nihol ekib,
Ilk qadam tashlanadi.
Menimcha, bolalik ham
Ko'klamdan boshlanadi.

Lobar ABDULLILOVA,
Bekobod tumanidagi
50-umumta'lim
maktabining
6-sinf o'quvchisi

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 30 май кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган. Шарқдан эсётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда эсди. Шамолнинг тезлиги секундида 12-17 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 13-15, кундузи 23-25 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган. Шарқдан эсётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсди. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда секундида 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Шарқдан эсётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсди. Шамолнинг тезлиги секундида 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 5-10, кундузи 13-18 даража илқ бўлади.

«БЎЛДИ ЎЗ НОДОНЛИГИМНИ АНГЛАМАК ДОНОЛИГИМ...»

Аҳоли саводхонлигини ошириш, айниқса, ёшларни китобхонликка ўргатиб бориш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Шу боис, жойларда китобхонлик тарғиботи, адабий-бадий кеча ва турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Нафис анжуманлар

Мана шундай тадбирлардан бири кунга Бўка туманида бўлиб ўтди.

Маърифий кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сиро-жиддин Саййид, Журналистлар ижодий



уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов, халқ шоири Маҳмуд Тоир ҳамда таниқли шоирлар Икром Искандар ва Ботир Эргашев иштирок этди. Тумандаги касб-ҳунар коллежлари, мактаб ўқувчилари ҳамда уюшма-ган ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув кизикarli ва таассуротларга бой бўлди. Очiq мулоқот руҳида бошланган тадбир чи-

накам мушоирага айланиб кетди. – Адабиётга, шеърятга қизиқишим жуда янги баланд, – дейди тумандаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муниса Муҳиддинова. – Шеърлар, кичик-кичик ҳикоялар ёзиб тураман. Бўш вақтларимда Тоғай Мурод, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Қаҳҳор, Пиримкул Қодиров асарларини севиб ўқийман.



Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф шеърларини ёд олганмиз. Китоб ўқиб дунёни таниб, англай борамиз. Таниқли шоирлар ва ёшлар ўртасидаги мушоира тадбирига кўтаринки қайфият бағишлади. Ёш ижодкорларга тавсия ва кўрсатмалар берилди. Шу издиҳомдаги нафис суҳбатларни жонқулоғи билан тинг-


лаб ўтирган яна бир бўқалик ёш қаламкаш Худоёрхон Ҳабибуллаев шоир Икром Искандар тилидан янграган Навоий бобомизнинг мана бу мисрасини ҳайрат ва ҳаяжон билан ёндафтарига тушириб олди:

«...Бўлди ўз нодонлигимни англамак донолигим...»

Эррани НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

«ЛАЙК» БОСИШ МАСЪУЛИЯТИ

ёхуд сизни бошқаришларига йўл қўйманг



шаънига отилган мағзава, ҳақорат ва таҳдиддан иборат. Қизиги шуки, "ибтило" Кирғизистон байроғини, масалан, Мадагаскар ёки Вене-

раён силлиқ кечмаяпти, – дейди медиакоммуникация соҳаси эксперти Сергей Моругин. – Яъни, ижтимоий онгни манипуляция қилиш ёки бошқаришнинг янги-янги

технологиялари пайдо бўла-япти. Айни пайтда мустақил тафаккурга таъсир ўтказиб, одамлар диққатини чалғитиш, улар онгига муайян фикрни сингдириш

ушбу кеча-ю кундуз ҳаракат қилаётган тузилмалар, структуралар вужудга келди. Бир қарашда арзимасдек кўринадиган оқоридидаги постлар – аслида кимларнингдир пухта уйланган режаси асосида ишлаб чиқилган манипуляция юриш эмас, деб ким қафолат беради?

Ўз ҳиссиётингизга ўзингиз эгалик қилинг! Мутахассисларнинг фикрича, одамлардаги муайян ҳисларни кўзга татиш ва шу орқали улар онгини бошқаришга қаратилган фарзали манипуляция технология-

лар талайгина. Айбдорлик туйғусини сингдириш бу борадаги энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Айниқса, ижтимоий тармоқ ва мессенжерларга ин қуриб олган экстремистлар, сохта "шайх"лар бу усулдан жуда кенг фойдаланаяпти. Улар томонидан жойлаштирилаётган сурачлар, видеолар, хитобларнинг аксариятида – "Ҳой, гўрсўхта! Диндошини бўғизлаб кетишяпти, сингилларингни зўрлашапти. Сен нега қараб ўтирибсан, келиб кофирнинг калласини сапчадай узмайсанми?", деган бузғунчи маъно яширин.

Ўз фикрига, диний ва дунёвий билимларга эга бўлмаган кишилар, айниқса, ўсмир-ёшлар одатда бундай ахборотларни "филтрлаб" ўтирмайди, яъни бу хабар қанчалик ҳақиқатга яқин, расмий манбаси борми, мусул-

монлар учун "жон қуйдираётган" чўққисоқол ўзи ким, қандай "қароматлар" кўрсатган, нега энди инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи юзлаб халқаро ташкилотлар қўлиб, мени саҳифамда "дод-вой" со-лаяпти ва ҳоказо саволларга жавоб изламайди. Иродаси заифроқ бўлса (Худо асра-син), "айбини" ювишга кири-шади.

Психология фанлари док-тори, Украинадаги ижтимоий ва сиёсий психология институти катта илмий ходими Вадим Васютинский шундай ёзади: "Ҳеч қачон биринчи таассурот таъсирига тушиб қолманг. Ижтимоий тармоқда қандайдир хабар, ҳодиса ёки муайян ҳаракат-га чорловчи хитобларга кўзингиз тушса, энг аввало, ахборотни "ҳазм қилиш" учун ўзингизга вақт беринг. Бир оз "соғина", яна бир бор, қайта ўқиб чиқинг. Мухими, ахборотнинг манбаси, муаллифи, тайёрловчисига эътибор қилинг ва ўзингизга шундай савол беринг: "Бу ивго эмасми?". Бир сўз билан айтганда, ўз ҳиссиётингизга ўзингиз эгалик қилинг. Шундагина сизга тикишти-рилаётган сохта "оҳ-воҳ"лар ортидан эргашиб кетмай-сиз".

Дилшод НУРУЛЛОХ

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

ЖАСУР ЖАСОРАТ КЎРСАТДИ

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида таэквондо WTF бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юқори натижа қайд этди.



Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ангрелик спортчи Жасур Бойқўзиёев кумуш медални қўлга киритди.

Мамлакатимизнинг етакчи таэквондочиларидан ҳисоб-

ланган Жасур бунгача қитъа чемпионатининг олтин, кумуш ва бронза медаллари сазовор бўлган. 2014 йили Осиё уйинларида голиб чиққан таэквондочимиз 2015 йилги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган.

МАРРАДА КИМ БИРИНЧИ?

Вилотимиз велосипогачилари Наманган шаҳрида велоспортнинг трек йўналиши бўйича ўтказилган ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 150 нафарга яқин истеъдодли спортчилар мусобақа терма жамоа таркибига халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган велосипогачиларини саралаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Велотрекиннинг турли йўналишлари бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчилари Арслон Гафоров иккита олтин ва битта кумуш, Сергей Гореликов

кумуш медални қўлга киритди.

3 километр масофага ўтказилган жамоавий таъқиб пойгалирида вилотимиз шарафини ҳимоя қилган Мардон Абдумажитов, Абдухамид Тўйчиев, Даврон Абдурахмонов, Сергей Никифоров ва Самандар Ражабов учинчи ўринни эгаллади.

Қизлар ўртасидаги спринт баҳсларида чирчиқлик Маргарита Мисюрина маррага биринчи келди. Руфина Шодалиева эса бронза медал билан тахдирланди.

ВИЛОЯТ «ДЕРБИ»СИДА ОЛМАЛИҚЛИКЛАР ГОЛИБ

Футзал бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг навбатдаги турида вилотимизнинг икки жамоаси – ОТМК ва "Металлург" ўзаро куч синашди.

Бу галги "дерби" мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони – олмалиқликлар майдонида бўлди. Тўққизинчи турнинг ҳар икки учрашувида ҳам мезбонларнинг қўли баланд келди – 6:0, 3:1.

Шундай қилиб, жами 18 та учрашувдан 16 тасини ўз фойдасига ҳал қилган ОТМК жамоаси 48 очко билан мусо-

бақа жадвалида пешқадамлик қилмоқда. Шу кунга қадар учинчи ўринда қайд этилган бекободликлар эса Олмалиқдаги мағлубиятдан сўнг тўртинчи қаторга тушиб қолди. "Металлург" ҳисобида 30 очко бор.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 270 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилиш ва саҳифаланди.

Масъул котиб

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Назоратчи мусахҳиҳ

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Манзилими: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@mail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-1709. Баҳоси қилишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Қорғоз манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.50.